Сана

# ЮНЕСКО — маърифат элчиси

Сир эмас, бугун дунёнинг турли минтақаларида уруш ва можаролар бўлиб ўтаётган бир пайтда халқаро ташкилотларнинг ўрни, аҳамияти ва айтиш мумкинки, таъсири тобора юксалиб бормоқда. Ана шундай жараёнда БМТнинг Таълим, фан ва маданият ташкилоти — ЮНЕСКО ҳам етакчи мавқега эга бўлмоқда. Нега? Чунки, ушбу ташкилотнинг бош вазифаси халқларнинг маданий ҳаётини, маънавий дунёсини юксалтириш, улар ўртасидаги ўзаро маданий алоқаларни мустаҳкамлаш саналадики, очиғи, бу омилларсиз инсоният тараққиётини тасаввур ҳам этиб бўлмайди.



1946 йилнинг 4 ноябрида БМТ қошида ташкил топган айни ташкилот ўтган давр мобайнида ўзининг маърифатпарвар ғояси билан дунёнинг ҳар бир нуқтасига кириб борди. Оламу одамлар ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ эканлигини далиллади. Ҳозирги кунда унинг аъзолари сафида 190 га яқин давлат борлигининг ўзиёқ фикримиз исботидир. ЮНЕСКО учун дунёнинг барча халқлари тенг. Уларнинг ўтмиши, бугунги куни, ўзига хос яшаш тарзи ва хилма-хил маданиятини бирдай эъзозлайди. Гарчи, мазкур ташкилот дунёда маорифни ривожлантириш, маданий меросни асраш ва коммуникацияни юксалтиришга ихтисослашган бўлсада, аммо жаҳонда ялпи хавфсизликни сақлашдаги ўрни ҳам беқиёс. Негаки, ЮНЕСКОнинг сайёрамизда тинчликни мустаҳкамлаш стратегияси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, демократиялаш жараёнини қўллаб-қувватлаш, можароларнинг олдини олишдан иборатдир.

Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасидаги муносабатлар мамлакатимиз истиқлолга эришгандан сўнг янги босқичга кўтарилди. 1993 йил 29 октябрда Ўзбекистон ЮНЕСКОнинг тўлақонли аъзоси бўлди. Ва, ўшандаёқ ЮНЕСКО дастурига буюк мунажжим ва давлат арбоби Муҳаммад Тарағай Улуғбек таваллудининг 600 йиллигини нишонлаш таклиф этилди. Ва, бу сана ташкилотнинг Париждаги қароргоҳида юксак даражада нишонланди. Очиғи, айни тадбир ўша пайтда соҳибқирон Амир Темурнинг муборак байрамларининг бошланиш дебочаси бўлган эди. 1996 йил баҳорида гўзал Парижда бўлиб ўтган ушбу байрам тадбирлари улуғ давлат арбоби, моҳир саркарда, буюк бунёдкор ва маърифат ҳомийси бўлган бобокалонимиз Амир Темурнинг жаҳон маданияти, санъатига қўшган улкан ҳиссасини ҳамда озод мамлакатимизнинг халқаро нуфузини дунёга яна бир бор намоён қилди.

Шуни ҳам айтиш жоизки, ЮНЕСКО мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим соҳасидаги ислоҳотларга ҳам яқиндан ёрдам бермоқда. Бу ёрдам мутахассислар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, турли халқаро ўқув анжуманларини ташкил этиш орқали бўлмоқда. Шу ўринда бир мисол. Ушбу халқаро ташкилотнинг «ЮНЕСКО мактаблари» деган лойиҳаси бор. Маълумотларга қараганда, ҳозир жаҳонда 5700 дан ортиқ ана шундай мактаб бор. Ўзбекистонда эса 26 та мактаб шундай номга эга. ЮНЕСКО мазкур билим даргоҳлари билан дунёнинг турли бурчакларида мактаблар ўртасида мулоқот ўрнатади, маърифий тадбирлар ўтказади.

Шу билан бирга, Орол муаммоси ҳам ЮНЕСКОнинг доимий эътиборида турибди. Бундан бир муддат олдин Орол денгизи сатҳи маниторинги ахборот жамғармасини тузиш бўйича лойиҳа амалга оширилди. Ва, бу лойиҳа учун 1 миллион доллардан ортиқ маблағ ажратилди.

Умуман олганда, юртимизда ушбу халқаро ташкилот доирасида амалга оширилган тадбирлар хусусида қисқача тўхталиш жуда қийин. Негаки, Ўзбекистон-ЮНЕСКО ўртасидаги алоқалар йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Амалга оширилаётган ишлар ҳам шунга яраша бўлмоқда. Келажакдаги режалар эса бундан-да юксак. Зеро, Ўзбекистон Президенти айтганидек, «Биз ЮНЕСКОни Ўзбекистоннинг маданий ва маънавий бойликларидан жаҳонни, ўз навбатида дунё маданияти билан халқимизни таништирадиган обрўли ташкилот деб биламиз».

**Ф. САНАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ИСТИҚЛОЛ АДАБИЁТИ ЭНГ ИЛҒОР АДАБИЁТДИР

**«Энг катта ютуғимиз — одамларимиз онги ва тафаккурининг ўзгарганидир», деган эди Юртбошимиз истиқлол йилларида эришилган зафарларга тўхталар экан. Ушбу сўзлар, табиийки, бадиий тафаккуримизга ҳам тааллуқлидир. Таниқли адабиётшунос, профессор Озод ШАРОФИДДИНОВ билан суҳбатимиз ҳам адабиётимизда рўй бераётган янгиланишлар, ютуқ ва муаммолар, шукуҳли давримиз қаҳрамонлари образини яратиш билан боғлиқ бадиий-эстетик масалалар хусусида бўлди.**

**— Мустақилликнинг ўтган ўн йили давомида мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида улкан ўзгаришлар рўй берди. Бу ўзгаришлар бунёдкорлик руҳи билан характерланади. Алалхусус, тоталитар тузум тазйиқидан халос этилган адабиётимиз — истиқлол адабиёти вужудга келди...**

— Аввало, айтмоқ кераккки, истиқлол адабиёти бу хронологик тушунча эмас. Соддароқ қилиб айтганда, истиқлол адабиёти деганда биз фақат 1991 йилдан кейин яратилган асарларнигина тушунмаслигимиз керак. Истиқлол адабиёти Чўлпонлар, Фитратлар ижодида бошланганидек, у сўнгги ўн йилликда ҳам шаклланишда давом этди. Табиийки, бундан кейинги ўн йилликларда ҳам такомилида давом этади.

**— Ўтган ўн йил истиқлол адабиёти шаклланиши учун кам муддатми?**

— Классик шоирлардан бири: "Агар бир йилда иккитагина яхши шеър ёзсам, ўз ижодимни ғоятда самарали санар эдим. Чунки қирқ йил давомида саксонта яхши шеър ёзган бўламан. Аммо бу маҳолдир", деган экан.

Истиқлол адабиёти — энг илғор адабиёт демакдир. Ватанимизнинг келажаги буюк бўлганидек, адабиётимиз келажаги ҳам улуғдир.

Адабиёт санъат ҳодисаси, инсоннинг руҳий-психологик фаолиятининг асосий соҳаси сифатида оламнинг образли инъикоси ўлароқ яшашда давом этади. Фақат у энди даврнинг энг янги ва илғор ғоялари, миллий ғоялар билан бойиган, энг муҳими эса бадиий жиҳатдан жуда юксак даражада турадиган адабиёт бўлади. Озод халқнинг мустақил адабиёти ҳар жиҳатдан баркамол адабиёт бўлмоғи керак. Бу адабиётда сийқа, олди-қочди, ўртамиёна асарларга мутлақо ўрин бўлмаслиги лозим.

Шу жиҳатдан ҳам мустақиллик йилларида яратилган ҳамма асарларни ҳам истиқлол адабиёти даражасидаги ижод маҳсули, дея олмаймиз. Бошқача айтганда, "бир йилда иккитагина яхши шеър ёзиш"ни орзу қилган шоирнинг талабчанлиги нуқтаи назаридан олиб қаралса, масала янада ойдинлашади. Бир неча асар, албатта, юксак бадиий савиядаги асарларни назарда тутмоқдаман, истиқлол адабиётини тўла-тўкис шакллантирди, дейиш ноўрин бўлур эди. Истиқлол адабиёти мустақиллик берган эркинликлардан виждон амрига мувофиқ истифода этиш, қалб ҳарорати билан ижод қилиш маҳсулидир.

**— Бу эркинликларнинг энг асосийлари, сизнингча, нималардан иборат?**

— Биринчи навбатда, ижод учун эркин шароит яратилганини алоҳида таъкидлаш керак. Ҳаётни акс эттиришга, одамлар характерини яратишга эркин муносабат янги адабиётнинг муҳим белгисидир.

Адабиётдаги янгиланиш жараёнлари ҳақида тўхталганда эса, албатта, мазкур санъат соҳасининг специфик хусусиятини назарда тутиб мулоҳаза юритмоқ зарур. Масалан, гулзордаги гулларни бугун суғорсангиз, эртасига эрталабоқ яшнаб-яйраб кетади, унинг яшиллиги қуюқлашади, танаси бақувват тортади, ғунчалайди, хуллас, дабдурустдан янгиланади. Адабиётдаги янгиланиш жараёни эса секин-аста кечади.

Биринчидан, 80-йиллар "қайта қуриш даври" деб аталган бўлса-да, у даврдаги адабиётимиз жуда чуқур таназзулни бошдан кечирмоқда эди. Ҳаётдаги муайян ҳодисалар адабиётда ҳам ғоявий парокандаликни вужудга келтирган, кўпгина ёзувчилар эски қадриятлар кунпаякун бўлаётганини кўриб, саросимага тушиб қолган эди.

Истиқлол адабиёти ижодкордан ана шу таназзулни енгиб ўтишни талаб этарди. Янги адабиёт яратиш учун, табиийки, ижодкорнинг тафаккури ҳам ўзгарган бўлиши керак.

Иккинчи сабаб ҳам шу билан боғлиқ — шўро замонида кўп йиллар давомида зиёлилар ўртасида муайян дунёқараш, муайян тафаккур типи шакллантирилган. Буни шартли равишда мустамлакачилик тафаккури ёки мутелик, тобелик тафаккури деб аташ мумкин. Афсуски, узоқ йиллар мобайнида бундай тафаккур қон-қонларга сингиб кетганди. Ҳатто, энг пешқадам, энг фикрловчи ёзувчиларимиз ҳам бундай тафаккур тазйиқидан бутунлай халос бўла олмаганлар ўшанда. Истиқлол адабиётини яратмоқ учун, биринчи навбатда, ана шу "мустамлака тафаккури"ни илдизи билан йўқотмоқ керак эди. Янги тафаккурни ишлаб чиқмоқ, уни қон-қонларга сингдирмоқ зарур эди. Эркин тафаккур эгалланиши билан ёзувчига қанот бағишлайди, унинг янги парвозига йўл очиб беради.

Фикримни далиллаш учун мисол келтираман. Яқинда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмаднинг "Қоракўз мажнун" ҳикоялар китоби чиқди. Унга адибнинг сталинча қатлиомларни фош этишга бағишланган ҳикоялари киритилган. Мен бу асарларни том маънодаги истиқлол адабиётининг ёрқин намуналари, деб атайман. Бу ўринда гап, албатта, уларнинг мустақиллик даврида ёзилганида ёхуд шўролар даврини фош қилиш руҳи билан суғорилганида эмас. Гап шундаки, бу ҳикояларнинг ҳар бирида адибнинг эркин қалам тебратгани, янада муҳими — эркин фикр юритгани, озод руҳи, мустақиллик тафаккурига эга бўлгани учун тасвирлаётган воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятига чуқур кириб борганида. Ҳикояларда инсон ва тоталитаризм муаммоси марказда туради. Тоталитаризмнинг моҳияти очилади. Бу моҳият шунда кўринадики, Сталин яратган тоталитар тузум биринчи қадамидан бошлаб сўнгги нафасигача ўз фуқароларига, оддий инсонга қарши уруш олиб борган. Бу тузумнинг мақсади ҳар бир инсондаги инсоний сифатларни, инсоний ифтихорни таг-туги билан суғириб ташлаш, ҳар бир инсонни фақат буйруқни бажарувчи, фақат буйруқ берувчининг кўзига жовдираб қараб турувчи иродасиз, эътиқодсиз, бандитабиат махлуққа айлантириш бўлган ва бу йўлда одамларни ақл бовар қилмас қийноқларга дучор этган.

Саид Аҳмад асарларининг янгичалиги шундаки, адиб уларда тоталитар тузумнинг зоҳиран ҳар қанча қудратли эканига қарамай, ичидан чириганини кўрсата олган. Инсон, ўша ўзимизга таниш, кўпгина жозибадор сифатларга эга бўлган, имонли, эътиқодли инсон, ҳатто, қамоқ ва сургун шароитларида юрганига, қийноқлар ва таҳқирларга, изтироблар ва эрксизликка қарамай, тоталитаризмдан устун келади, ўзининг инсоний ғурурини сақлаб қолиб, бу мислсиз жангда ғолиб чиқади.

Мен Саид Аҳмаднинг бу асарларини истиқлол адабиётининг ёрқин намунаси, деганимда муаллифнинг оддий инсон қудратига бўлган чуқур ишончини ана шу тарзда юксак бадиий шаклда ифодалаганини кўзда тутяпман.

**— Жамиятимизда кечаётган янгиланишлар адабиётимизда ўз аксини қай даражада топмоқда?**

— Адабиётда публицистика, очерк, эссе, муаммоли очерклар каби жанрлар бор — уларнинг бевосита вазифаси янгиланишлар ва улар билан бирга, таъбир жоиз бўлса, "эскиланиш"ларни ҳам тезкор акс эттиришдир.

Истиқлол адабиётининг ана шундай намуналаридан бири сифатида мен Одил Ёқубовнинг "Қарши гурунглари" очеркини тилга олган бўлардим. Энг муҳими шундаки, "гурунглар"да мамлакатимиз қиёфасидаги янгиланишлар шунчаки таърифланиб, шунчаки тавсифланиб қўя қолинмайди, балки адиб асарининг ҳар сатрида миллий туйғуларимизни қитиқлайдиган, миллий ғуруримизни бир баҳя оширадиган оҳанглар топа олган.



Адабиётнинг бошқа соҳаларида эса инсоннинг руҳий олами, инсон ҳаётининг моҳияти, унинг изланишлари, биринчи навбатда, ўзи билан, нафси билан олиб бораётган кураши, шу курашдаги қийин ғалабалари, шу жумладан, ўзи устидан қозонган ғалабалари, яшаш санъатининг сирлари ифодаланиши, таҳлил қилиниши керак ва шу аснода чиқарилган ёки китобхон ўзи чиқариб оладиган хулосалар учун буюк сабоқ, ибрат манба бўлиб хизмат этмоғи керак. Бир сўз билан айтганда, қаҳрамон онги ва тафаккуридаги ўзгаришлар ва бу янгиланишлар унинг фаолиятида қай тариқа акс этишини кўрсатиб бермоқ лозим.

Бу мулоҳазалар замонамиз қаҳрамони бадиий образини яратишга ҳам тааллуқлидир. Зотан, Президентимиз томонидан қўйилган масъулиятли вазифани муваффақият билан адо этишда бу жиҳатга эътибор қаратмоқ муҳим аҳамият касб этади.

**— Давримиз қаҳрамони бадиий сиймосини яратишда нимага алоҳида эътибор бермоқ лозим, деб ўйлайсиз?**

— Истиқлолимизнинг ўзи давр қаҳрамонларини юзага чиқарди. Улар ишчилар ўртасида ҳам, деҳқонлар ичида ҳам, зиёлилар орасида ҳам сероб. Ёшларимиз улардан ибрат олсин. Бинобарин, уларнинг ёрқин образларини яратиш адабиётимизнинг долзарб вазифасидир. Муҳтарам Президентимиз ёзувчиларимиз эътиборини шу масалага қаратган экан, бундан адабиётимиз замонанинг илғор талаблари даражасида туришини истагани, ғамхўрлиги яққол сезилиб турибди. Мен бу доно ва ҳикматли даъватни тўла-тўкис қувватлайман.

Бугун баъзан "Истиқлол адабиётининг бош қаҳрамони тадбиркор бўлмоғи керак", қабилидаги хитоблар эшитилиб қолади. Тадбиркорми? Майли, тадбиркор бўлсин. Лекин нега бошқа касб згаси эмас? Айтайлик, газ ёки нефтни қайта ишловчи эмас? Нега чегарачи ёхуд давлат арбоби эмас? Сезиб тургандирсиз, адабиёт қаҳрамонини бунақа тарзда касби-корига қараб таснифлаш қилиш бизни анча-мунча чалкаш, боши берк, қинғир-қийшиқ кўчаларга олиб кириб қўйиши мумкин.

Менингча, аввало, ҳаётийлик мезонига риоя қилмоқ лозим. Зеро, адибларимиз олдига қаҳрамонларни эмас, балки уларнинг бадиий сиймосини яратиш вазифаси қўйилди.

Қаҳрамон масаласининг яна бир мураккаблиги бор. Ҳаёт шуни исбот қилдики, одамлар ким бўлишидан қатъий назар — чолми-кампир, йигитми-қизми, замондошимизми-ўтмишдошимизми, донишманд-файласуфми ёки жўнгина бир такасалтангми, барибир, уларнинг ҳаёти биз тасаввур қилгандан бир неча чандон мураккаб бўлар экан. Инсон табиатининг бундай битмас-туганмаслигини қамраб олиш учун даҳо санъаткор нигоҳи керак. Ҳозир эса, афсуски, адабиётимиздаги кўпгина асарларнинг қаҳрамонлари бир ўлчовли, жўн одамлар, шунинг учун уларнинг бошидан кечадиган воқеалар ҳам анчайин жўн, хашаки воқеалар. Аксарият ёзувчилар ўз қаҳрамонларининг ташқи белгиларинигина, кўзга ташланиб турадиган суратларини чизадилар. Қаҳрамоннинг умрбоқийлигини таъминлаш учун бу мутлақо кифоя эмас.

Бу мулоҳазаларни ўртага ташлашдан мақсад битта — биз кўп йиллар мобайнида хато назарияларни раҳнамо қилиб олиб, "ҳар мақомга йўрғалаб" умр ўтказдик, адабиёт яратяпман, деб умри қисқа, саёз плакатлар яратиб келдик. Мустақиллик бизга эркин фикрлаш, эркин ижод қилиш имконини берди. Шундан фойдаланиб том маънодаги илмий қимматга эга янги назарияларни яратайлик. Мустақил давлатимизнинг келгуси авлодларига ҳам бирдай севимли асарлар яратайлик. Шундагина унинг санъат сифатидаги битмас-туганмас бойликларини маънавий хазинамизнинг чинақам дурдоналарига айлантира оламиз.

**ЎзА мухбири**
**Элбек ХОЛИҚОВ**
**суҳбатлашди.**

## Саломатлик посбонлари



*Урганчда Қурбоновлар оиласини қўли енгил шифокорлар оиласи деб аташади. Сабаби оила бошлиғи Матрасул ака ҳам, оила бекаси Мўътабархон опа ҳам — шифокор. Не бахтки, уларнинг икки фарзанди — Баҳодиржон ва Умидахонлар ҳам ота-оналари изидан боришиб, шифокорлик касбини танлашди.*

*— Бахт ҳақида ҳар кимнинг ўз тушунчаси бор, — дейди Матрасул ака. — Бироқ инсон учун саломатликдан катта бахт бўлмаса керак. Негаки, соғлом одам бир инсон эришиши лозим бўлган барча муваффақиятга эришиш мумкин.*

*Дарҳақиқат, Матрасул ака ўз касби билан фахрланади. Бу туйғу оиланинг бошқа аъзоларига ҳам бегона эмас.*

***Суратда: Қурбоновлар оиласи.***

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

**РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ВА УНИНГ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛЛАРИ**
**АУКЦИОН ВА БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!**

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**
**Савдоларга «Ўзбекэнерго» Давлат акциядорлик компаниясига қарашли кўчмас мулк объектлари қўйилади.**

***Республика Кўчмас мулк биржаси марказий аппаратида ҳафтанинг ҳар чоршанба ва жума кунлари соат 11.00да Республика Биржалар маркази биносида ўтказиладиган биржа савдоларига қуйидаги объектлар қўйилади:***

1. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, ТошИЭС қўрғонида жойлашган Тошкент ИЭСга қарашли санаторий-профилакторий. ***Бошланғич баҳоси — 527 470 АҚШ доллари (179 308 246 сўм).***
2. Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, ТошИЭС микрорайонида жойлашган «Энергетик» маданият саройи. ***Бошланғич баҳоси — 203 224 АҚШ доллари (69 084 304 сўм).***

***РКМБнинг Тошкент вилояти филиалида 2001 йил 7, 21 ноябрь кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига қуйидаги объектлар қўйилади:***

1. Тошкент вилояти, Ангрен тумани, Облиқ қўрғонида жойлашган Ангрен ИЭСга қарашли «Восход» болалар дам олиш маскани. ***Бошланғич баҳоси — 20 000 000 сўм.***
2. Тошкент вилояти, Ангрен тумани, Лашкарек қўрғонида жойлашган Ангрен ИЭСга қарашли дам олиш маскани. ***Бошланғич баҳоси — 13 694 900 сўм.***
3. Тошкент вилояти, Ангрен шаҳрида жойлашган Ангрен ИЭСга қарашли «Энергетик» клуби. ***Бошланғич баҳоси — 10 000 сўм.***

***РКМБнинг Тошкент шаҳри филиалида 2001 йил 9, 23 ноябрь кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига қуйидаги объект қўйилади:***

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, ТошИЭС микрорайонида жойлашган Тошкент ИЭСга қарашли стадион. ***Бошланғич баҳоси — 40 000 000 сўм.***

***РКМБнинг Андижон вилояти филиалида 2001 йил 6, 13, 20, 27 ноябрь кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига қуйидаги объект қўйилади:***

Андижон вилояти, Булоқбоши туманида жойлашган «Энергетик» болалар дам олиш маскани. ***Бошланғич баҳоси — 107000 000 сўм.***

***РКМБнинг Фарғона вилояти филиалида 2001 йил 23, 30 ноябрь кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига қуйидаги объектлар қўйилади:***

1. Фарғона вилояти, Қува туманида жойлашган «Энергетик» дам олиш маскани. ***Бошланғич баҳоси — 21 000 000 сўм.***
2. Фарғона вилояти, Фарғона тумани, Шоҳимардон қўрғонида жойлашган «Энергетик» дам олиш маскани. ***Бошланғич баҳоси — 25000 000 сўм.***

***РКМБнинг Сирдарё вилояти филиалида 2001 йил 14, 28 ноябрь кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига қуйидаги объектлар қўйилади:***

1. Сирдарё вилояти, Ширин шаҳрида жойлашган Сирдарё ИЭСга қарашли клуб биноси. ***Бошланғич баҳоси — 3500 000 сўм.***
2. Сирдарё вилояти, Ширин шаҳрида жойлашган Сирдарё ИЭСга қарашли маданий оқартув муассаса биноси. ***Бошланғич баҳоси — 26627 700 сўм.***
3. Сирдарё вилояти, Ширин шаҳрида жойлашган Сирдарё ИЭСга қарашли «Ҳоватоғ» санаторий-профилакторийси. ***Бошланғич баҳоси — 95000 000 сўм.***
4. Сирдарё вилояти, Ширин шаҳрида жойлашган Сирдарё ИЭСга қарашли чойхона. ***Бошланғич баҳоси — 2500 000 сўм.***

***РКМБнинг Бухоро вилояти филиалида 2001 йил 22 ноябрь куни ўтказиладиган аукцион савдоларига қуйидаги объект қўйилади:***

Бухоро вилояти, Бухоро туманида жойлашган Бухоро электр тармоғи корхонасига қарашли «Электрон» болалар соғломлаштириш маскани. ***Бошланғич баҳоси — 64751 600 сўм.***

***РКМБнинг Сурхондарё вилояти филиалида ҳафтанинг шанба ва жума кунларидан ташқари ҳар куни ташкил этиладиган биржа савдоларига қуйидаги объект қўйилади:***

Сурхондарё вилояти, Термиз туманида жойлашган Сурхондарё электр тармоғи корхонасига қарашли «Энергетик» дам олиш маскани. ***Бошланғич баҳоси — 9401 300 сўм.***

***РКМБнинг Қашқадарё вилояти филиалида ҳафтанинг ҳар сешанба ва жума кунлари ўтказиладиган биржа савдоларига қуйидаги объект қўйилади:***

Қашқадарё вилояти, Нуристон қўрғонида жойлашган Толимаржон ИЭСга қарашли мавсумий киномайдонча. ***Бошланғич баҳоси — 306 000 сўм.***

***Ушбу объектларга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, барча юридик ва жисмоний шахслар Республика Кўчмас мулк биржасига, «Ўзбекэнерго» ДАК ва РКМБнинг объектлар жойлашган филиалларига мурожаат қилишларини сўраймиз. Ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Имкониятингизни бой берманг. Аукцион савдолари бўйича аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига 1 соат қолганида тўхтатилади.***

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, Республика Биржалар маркази биноси, 3-қават, 44-хона, Республика Кўчмас мулк биржаси.**
**Маълумот учун телефонлар: 136-26-26, 136-28-75, факс 136-06-17.**
**Қўшимча маълумотлар учун «Ўзбекэнерго» ДАКга мурожаат қилишингиз мумкин.**
**Манзил: Тошкент шаҳри, Хоразм кўчаси, 6-уй. Телефонлар: 136-65-23, 136-65-22, 136-68-01.**
**РКМБнинг объектлар жойлашган филиаллари телефонлари:**

| | |
|---|---|
| 1. Андижон: (3742) 24-36-88, 24-37-86. | 6. Тошкент вилояти: (371) 133-28-52, 133-49-31, 133-43-73. |
| 2. Бухоро: (36522) 3-71-30, 3-71-36. | 7. Тошкент шаҳри: (371) 144-71-72, 144-71-78. |
| 3. Қашқадарё: (37522) 5-16-84, 5-15-96. | 8. Фарғона: (37322) 4-68-72, 4-68-69, 4-68-72. |
| 4. Сурхондарё: (37622) 3-00-25, 3-51-43. | 9. Хоразм: (36222) 6-32-63, 6-34-66. |
| 5. Сирдарё: (3672) 27-77-42, 27-77-43. | |

4960

# БИРЛАШГАН ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

— транспорт ва телекоммуникацияни янада ривожлантириш;

— кичик ва ўрта бизнесни жадал ривожлантиришни молиявий қўллаб-қувватлаш;

— маҳаллий хомашё ресурсларини қайта ишлайдиган ва экспорт салоҳияти кучайишини таъминлайдиган тармоқлар ривожланиши учун инвестицияларни жалб қилиш;

— ижтимоий соҳада (таълим, соғлиқни сақлаш, қишлоқ ижтимоий инфратузилмаси, уй-жой қурилиши) моддий-техника базасини ислоҳ қилиш ва ривожланишни жадаллаштириш бўйича мақсадли давлат дастурларини амалга ошириш.

Дастур лойиҳасига мувофиқ барча молиявий манбалар ҳисобидан 2002 йилги капитал маблағларнинг ҳажми қиёсий кўрсаткичларда жорий йилда кутилаётган ҳажмга нисбатан 4,7 фоиз ортади. Ялпи ички маҳсулот таркибида капитал маблағларнинг салмоғи эса 25 фоизни ташкил қилади. Бу жорий йилдагига нисбатан 2 фоиз кўпдир.

Мазкур устувор вазифаларни ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқариш қурилишига капитал сарф-ҳаражатларнинг ҳажми жорий йилда кутилаётган 57 фоизга нисбатан капитал маблағлар умумий ҳажмининг 62 фоизини ташкил этади. Асосий ишлаб чиқариш инвестициялари тўқимачилик саноати, машинасозлик, кимё, металлургия, қурилиш материаллари саноати ва ҳоказолардан илгарилаб кетган ёқилғи-энергетика мажмуини ривожлантириш, суғориладиган деҳқончилик имкониятларини мустаҳкамлаш дастурини амалга оширишга йўналтирилади.

Жалб қилинаётган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажмининг ўсиш суръати 27 фоиз ошади, уларнинг капитал сарф-ҳаражатлар таркибидаги салмоғи эса жорий йилдаги натижаларни баҳолаш бўйича кутилаётган 30 фоизга нисбатан 40 фоизга етади. Бунда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми ҳам салмоқли равишда ошади.

Хорижий инвестициялар ва кредитлар иштирокида аккумуляторлар ишлаб чиқарадиган "Ўз-Эксайд" қўшма корхонаси, автомобил ойналарини ишлаб чиқарадиган "Автоойна" корхонаси, ойна ишлаб чиқаришни қайта таъмирлайдиган "Кварц" акционерлик жамияти, шиша тола ишлаб чиқарадиган "Ўзгласзайден" қўшма корхонаси, молибден маҳсулотини ишлаб чиқарадиган "Ўзметаллтехноложи" қўшма корхонаси ва бошқа қатор объектларни фойдаланишга топшириш кўзда тутилмоқда. Умуман, 2002 йил инвестиция дастурини амалга ошириш натижасида фойдаланишга топширилаётган янги объектлар ҳисобидан ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 2 фоизни ташкил қилади.

Дастурда ижтимоий соҳа объектлари қурилишига алоҳида эътибор қаратилган. Жорий йилга нисбатан академик лицейларни фойдаланишга топшириш 2 баравар, касб-ҳунар коллежларини фойдаланишга топшириш эса 1,5 баравар ошади. Шу билан бирга, турар-жой бинолари, касалхона ва поликлиникалар, умумтаълим мактабларини фойдаланишга топшириш, қишлоқ аҳолиси учун газ ва ичимлик суви тармоқлари қурилишини кўпайтириш кўзда тутилаётир.

Бирлашган ҳайъат йиғилишида лойиҳаларнинг валютада ўзини қоплашини ҳисобга олган ҳолда жалб этилаётган хорижий инвестициялар ва кредитлар самарадорлигини оширишга, маҳаллий хомашёдан фойдаланишнинг устуворлигига, экспорт салоҳиятининг ўсиши ҳамда ортиқча ишчи кучи мавжуд минтақаларда янги иш ўринларини ташкил этишга талаблар оширилди.

Инвестицияларни биринчи навбатда тугалланмаган қурилиш ҳажмини қисқартириш ва режалаштирилаётган инвестициялар самарадорлигини оширишга йўналтириш масалалари алоҳида кўриб чиқилди.

Йиғилишда халқаро молия институтлари, чет эл тижорат банклари, хорижий инвесторлар билан инвестицияларни жалб қилиш соҳасида ҳамкорликни яхшилаш чора-тадбирлари белгиланди.

Шунингдек, валюта сиёсатини эркинлаштириш бўйича ўтказилаётган чора-тадбирлар ҳисобга олинган ҳолда ҳукумат кафолати остида амалга ошириш таклиф этилаётган айрим инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини баҳолаш учун Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банк ва тижорат банклари раҳбарлари ҳамда мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳ ташкил этилди.

Бирлашган ҳайъат Ўзбекистон Республикасининг 2002 йилги инвестиция дастури лойиҳасини маъқуллади ва унинг мамлакатда тузилмавий туб ўзгаришларнинг мажмуавий вазифаларини ҳал этишга қаратилганини қайд этди. Ҳайъат Умумиқтисодиёт мажмуининг тегишли марказий иқтисодий идораларига ўтказилган муҳокамани инобатга олган ҳолда дастурни тўлдириб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун тақдим этиш вазифасини топширди.

**(ЎзА).**

## «Авесто»нинг 2700 йиллиги олдидан

**«Авесто» кўпқатламли, мураккаб манба бўлиб, узоқ даврлар давомида шаклланиб, ёзувсиз замонларга оид тасаввурларни ҳам сақлаган.**

# ИЛК ТЕМИР АСРИ ЁДГОРЛИКЛАРИ

Милоддан аввалги II минг йилликнинг охири — I минг йилликнинг бошларида Ўрта Осиёнинг ўтроқ деҳқончилик туманларида турли тарихий-маданий янгиликлар пайдо бўлди. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида ўтроқ манзилгоҳларнинг майдонлари камайиб, Мурғоб воҳаси, Амударёнинг ўрта оқимларида ва Қашқадарё воҳаси бўйлаб янги ерларни ўзлаштириш жадаллик билан давом этди.

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, ушбу даврда маҳаллий ва четдан келган маданий анъаналарнинг аралашуви ёки қўшилиши юз беради. Ўрта Осиё ҳудудида зироатчи ва чорвадор қабилаларнинг узлуксиз силжишлари кузатилади. Бу ҳол аҳоли сонининг ўсиши, ҳаёт учун зарур бўлган ҳудудларга муҳтожлик, чорва учун бўз ер ва яйловлар, маъдан конлари заҳираларининг зарурлиги билан боғлиқ делографик ва иқтисодий сабаблар билан изоҳланади. Ижтимоий ва иқтисодий жараёнларнинг ўзгарувчанлиги ўтроқ зироатчилар билан чорвадор чўпонлар ўртасида айрим пайтларда рақобатни, серҳосил ерлар, яйловлар учун курашни келтириб чиқарган. Бундай пайтларда ҳарбий ва сиёсий манфаатлар устунлик қилган. Бу ҳолат «Авесто»да ўз аксини топган: «Яйловлари сероб бўлган Митрани биз эъзозлаймиз, ўзаро уруш ҳолатида бўлган икки мамлакатнинг жанговар сафлари бир-бирига дуч келганда қонхўр душман қўшинларига қарши отланган мамлакатлар ҳукмдорлари унга сиғинадилар».

Илк темир даври Мурғоб, Сурхон, Қашқадарё ва Зарафшон водийлари (Марғиёна, Бақтрия ва Суғдиёна ҳудудлари)да марҳумларни кўмиш маросимига хос урф-одатлар ноаниқлигича қолиб келмоқда. Бу ҳудудларда милоддан аввалги I-минг йилликнинг биринчи ярмига доир қабрлар топилмаган. Бу масала Ўрта Осиё археологиясининг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Қиёслаш мақсадида, шуни айтиш мумкинки, ундан олдинги давр бронза даврида майитлар манзилгоҳларда ҳамда уларнинг атрофида махсус қабристонларда дафн этилгани аниқланган. Бундай қадимги қабрлардан кўпчилиги қазиб ўрганилган. Юқорида санаб ўтилган вилоятларнинг илк темир даврига оид қароргоҳлари сўнгги 50 йил мобайнида ўрганиб келинмоқда. Уларда қабристонлар йўқлиги эса ўтроқ туманларда зардўштийлик дафн этиш тартиблари ёйилганлиги ҳақидаги фикрларга асос бўлди. Бронза асридаги ерга лаҳат қазиб кўмиш одати энди учрамайди.

Кейинчалик бу тахмин ҳақиқат эканлиги ўз тасдиғини топди. 1973 йилда Э.Ртвеладзе қадимги зироатчилик тумани бўлган Бандихон ёдгорлиги (Сурхон водийси)да қидирув ишлари олиб борганда, яқин атрофдаги табиий тепаликлардан одам суякларининг топилганига эътиборни қаратди.

1980 йилда, милоддан аввалги VII-IV асрларга доир Миршоди воҳасининг (Сурхон водийси) Қизилча манзилгоҳи яқинидаги жарлик қазишмаларидан одам бош суяги қисмлари ва скелет суяги парчалари топилган. Улар илк темир даври манзилгоҳларининг атрофларидаги жарликларда қалин қатламлар остидан топилгани муҳим хулосаларга имкон берди. Сочилган одам суяклари (икки қовурға, бош суяги бўлаги, бармоқ бўғинлари) Қизилтепа қазишмаларидан ҳам топилган. Бундай суяклар хона сатҳи остидан унчалик чуқур бўлмаган жойдан чиқди. Шунинг учун улар янада қадимги даврларга оид деб айтиш мумкин. Хона сатҳи қалин тоза тупроқ қатлами билан тўлдирилган бўлиб, у ерда турли археологик ашёлар, шунингдек, иситиш ва ошхона ўчоқларининг излари учрамади. Демак, бу хона турар жой ёки хўжалик хонаси вазифасини бажармаган.

Хона сатҳи остида одам суякларининг дафн этилишида бронза даврига хос мурдаларни уй ичига дафн этиш анъаналари кузатилади ва бу ҳолатда маҳаллий ақидаларнинг қадимийлигини, шунингдек зардўштийликка хос дафн маросимларига яқинлигини кўрамиз. Ундан ташқари Қашқадарё водийсидаги Сангиртепа ёдгорлигининг милоддан аввалги IX-VIII асрларга доир қатламларидан топилган одам суяги парчалари ҳам диққатга моликдир.

Ўрта Осиёнинг ўтроқ маданият ҳудудларида илк темир даврига доир қабрлар топилмаганлигини бу ҳудудларда зардуштийликка яқин бўлган янги дафн маросимларининг тарқалиши билан изоҳлаш мумкин.

Бу маросим сўнгги зардўштийликка оид даҳма, ноуслар-дафиналар ва оссуарий-остадонлар билан боғлиқ эмас. Эҳтимолдан холи эмаски, марҳумлар жасади манзилгоҳдан ташқарига олиб чиқилиб, баланд тепалик ёки қум-тош жойлар устига қўйилган. Қушлар ва йиртқич ҳайвонлар суякларини тозалаб бўлгач, тозаланган суяклар махсус жойларда сақланган. Страбоннинг «Бақтрия атрофлари одам суяклари билан тўла эди. Македониялик Искандар бу маросимга барҳам берди», деган фикри асоссиз эмас, деб ўйлаймиз. Марҳумнинг суякларини тозалаш мақсадида манзилдан узоқроқ жойдаги табиий тепаликлар ёки қум-тош жойларга қўйиш одати Искандар юришларидан анча илгари вужудга келган. Сурхон водийсидаги бир қатор манзилгоҳлардан одам суякларининг айрим қисмларининг топилишига асосланиб, Э.Ртвеладзе милоддан аввалги VI-IV асрларда марҳум жасади манзилгоҳлардан ташқаридаги баланд тепаликларда қолдирилган, у ерда ёввойи ҳайвонлар ва қушлар мурдаларни йўқ қилганлар, деган хулосага келган.

Илк темир асри ёдгорликларини ўрганиш жараёнида хонадон ўчоғи ва оловнинг муқаддас тутилганини тасдиқловчи кўплаб материалларни учратдик. Чунончи, Кучуктепадан унча катта бўлмаган муқаддас ўчоқ топилган. Қадимги воҳа аҳолиси ўчоқ куйиндиларига эҳтиром билан қараган, шунинг учун кулни ташқарига чиқариб ташламаган. Уни махсус чуқур ўраларга ёки долонларга тўкканлар.

Қашқадарё водийсининг Даратепа мавзеидан милоддан аввалги VII-VI асрларга доир ибодат пайти ишлатиладиган иккита идиш топилган. Уларда хушбўй моддалар тутатилган. Оловни муқаддас тутиш ва хаомани эъзозлаш зардуштийлик дини ақидаларида бор нарса.

Ҳосилдорлик маъбуди ва ҳосилга киритувчи кучларнинг муҳим ўрин тутиши Миршоди ва Бандихондан топилган ибодат буюмлари билан тасдиқланади. Бу қора, силлиқланган тош урғучоқ ва тош ўғирча бўлиб, порфир тошидан ёки базальтдан ясалган ҳамда ўсимлик моддаларини янчишда қўлланилган.

Ўрта Осиёнинг турли қисмлари аҳолисининг диний анъаналари ҳар доим бир-бирига мос келавермаган. Аммо тарихий-маданий жараён тараққиёти давомида бундай фарқлар йўқола борган. Лекин, айрим ўринларда фарқлар узоқ муддат сақланиб қолган. Хоразм, Марғиёна ва Суғд дафн маросимлари учун хос бўлган антик давр оссуарий-остадонларнинг Шимолий Бақтриядан топилмаганлиги бунинг далилидир. Бундай анъаналарнинг жойларда сақланиши балки, аҳамонийлардан анча илгари Бақтрияда оловхона, ибодатхоналарнинг қурилгани ёки Миршодидан топилган тош санамлар билан изоҳланади. Илк зардуштийликда санамларга сиғиниш бўлмаган, ибодатхоналар ҳам қурилмаган. Бундай ҳолат қадимда Ўрта Осиё ўтроқ зироатчи аҳолисининг диний тасаввурлари ва ибодат маросимларининг ўзига хос хусусиятлари бўлганлигидан далолат беради.

**Анатолий САЪДУЛЛАЕВ,**
**профессор.**

## *Зардушт пандларидан*

● ***Ахурамаздо ўз қудратини поктийнат кишиларга кўрсатади.***

● ***Покхилқат кишигина тангри иноятига эришади.***

● ***Эй Ахурамаздо! Сени қалб кўзи билан кўрганидагина ҳамма нарсанинг яратувчи ва боғловчиси, пок руҳнинг мояси сен эканлигингни англадим.***

● ***Поктийнат кишилар тўғрилик дўсти ва тарафдорларидир.***

● ***Жаннат муқаддас Маздога ақл билан пайравлик қилганларга насиб этади.***

● ***Ахурамаздогина ўғил қалбига Оша эҳтиромини жо этади.***

● ***Ҳар бир киши андиша, гуфтор ва кирдорда муқаддас ақлга суянмоғи лозим.***

● ***Эй Маздо! Жаҳонга сулҳу амниятни таъминлайдиган донишмандликнинг падари сенсан!***

● ***Пок хирад билан ораста бўлган киши хушбахт ва фаровон яшайди.***

● ***Ҳар бир зардуштий адолатли ва сулҳжўй бўлиши лозим. У гина-кудуратли ва жангари бўлмаслиги керак.***

● ***Тангри шому саҳар бандаларига ёрдам берадиган одамларни ёқтиради.***

● ***Адашганларни тўғри йўлга бошлаган одамнигина яхши дейиш мумкин.***

● ***Тангри барча билим ва ҳунарларнинг калитидир.***

● ***Ҳақгўйлик ва ростлик Тангри одатидир.***

● ***Поклик инсон туғилганидан умрининг охиригача бажариладиган энг яхши амалдир.***

**Тўпловчи Ҳ. ҲОМИДИЙ.**

Тошкент Давлат Аграр университетида “Авесто” китобининг 2700 йиллигига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Унда ушбу дорилфунун профессор-ўқитувчилари, талабалар, авестошунос олимлар, шунингдек, хорижлик меҳмонлар иштирок этди.

## «АВЕСТО» — ЭЗГУЛИК КИТОБИ

— “Авесто”да Эзгу фикр, Эзгу калом, Эзгу амал каби ахлоқий-ҳуқуқий тушунчалар энг муқаддас амаллардан саналади,- деди ТошДАУ ректори, профессор Ҳасан Бўриев. - Ана шундай ҳаётбахш ғояларни ўзида мужассам этган бу китоб шунинг учун ҳам асрлар оша тўфонлардан омон қолиб яшаб келаётир. Аждодларимизнинг бу эзгулик сабоғидан ёшларимизни баҳраманд этиш бугунги кунда ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**



## Кутубхона — нурхона

*Риштон саноат касб-ҳунар коллежи кутубхонаси доимо китобхонлар билан гавжум. Сабаби, бу ерда фан соҳаларига оид илмий китоблар, дарсликлар, газета ва журналлардан ташқари мустақиллик йилларида чоп этилган бадиий адабиётлар ҳам мавжуд. Шу боис ҳам кутубхонадан ўқувчиларнинг кети узилмайди. Кутубхоначи Гулшаной Саидова ташаббуси билан ташкил этилган китобхонлар конференциялари, янги асарлар ҳақидаги баҳс-мунозаралар, суҳбатлар уларнинг жони дили.*

**СУРАТДА: кутубхоначи Гулшаной Саидова.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ**
**олган сурат.**

### ҲИКМАТ

***Билиб сўзлагил,***
***ҳурматинг тўкмагил.***

### *Аёллар футболи*

## «ГУЛБАҲОР» мамлакат чемпиони

Наманганда қизлар майдонга тушганда футбол мухлисларининг дили яйраб кетади. Сабаби, вилоятнинг «Гулбаҳор» жамоаси аёллар футболи бўйича мамлакат биринчилигида ўзига хос ўйинлар кўрсатиб, ишончни оқламоқда. Бултурги мавсумда наманганлик футболчи қизларнинг чемпион бўлишларига бир баҳя қолганди. Бу йил армон ушалди.

Мамлакат биринчилиги бошиданоқ фаол тўп сурган «Гулбаҳор» тўртинчи турни юқори натижа 46 очко билан якунлади. Тўплар нисбати ҳам чемпионга хос. Рақиблар дарвозасига урилгани 110 та, ўтказиб юборилгани эса 3 та, халос. Мавсум давомида 50 та тўп киритган ҳужумчи Гулнора Аъзамова чемпионатнинг энг кучли тўпурари сифатида тан олинди.

Бугун «Гулбаҳор»нинг муваффақиятидан мухлислар шод. Айниқса, жамоага етарли шарт-шароит яратиб берган асосий ҳомийлар — «Наманганвино» «Нотўқимачи», «Намангандонмаҳсулот» ҳиссадорлик жамиятларининг қувончи чексиз.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**




## Дақиқада 25 марта

**Эквадорда жойлашган Риобомба шаҳрида эстрада раққос ва раққосаларининг кўриги бўлиб ўтди. Кўрикнинг шарти бўйича улар ўйин қоидасини бузмаган ҳолда, бир дақиқада 4 мартадан 25 мартагача чирпирак бўлиб айланиши керак эди.**

**Худди шу шарт бўйича Луиса Бранко билан Роберто де Эскотолар ғолиб чиқишди. Улар 32 дақиқа давомида жуда катта тезликда айланиш билан бирга ўйин ритмини бузмай қойилмақом ўйнашди.**

## Қор одам — бор одамми?

**Мўғулистоннинг Кабдо аймоғилик уч киши бу воқеанинг ҳар бир дақиқасини энди умуман эсларидан чиқаришмаса керак. Эрдэнбурэн ҳудудидаги булоқда улар жуда баҳайбат қор одамни кўришган. Баҳайбат одам**



**ўша заҳоти ақл бовар қилмайдиган тезликда, яъни саноқли дақиқаларда 200 метр наридаги қоя ортига бекинишга улгурган. Табиийки, қочоқнинг қадами ўлчаб кўрилган. Унинг ҳар бир қадами 2 метру 61 сантиметрга тенг бўлган. Оёғининг изи узунлиги 40, эни 8 сантиметрни ташкил этган.**

**Ҳайдовчи С. Ульзийнинг айтишича, у бундай ғаройиб одамни биринчи марта учратиши эмас, 1988 йилда ҳам қор одамга дуч келган экан.**


### COUNTERPART CONSORTIUM

**Program of Civil Society and NGO Development in the Central Asia Region**

## VACANCY ANNOUNCEMENT
## Deputy Director

Applications from Uzbek nationals are invited for the post of Deputy Director for Counterpart Consortium in Uzbekistan. Counterpart Consortium has been implementing NGO support and capacity building programs throughout the Central Asia since 1995. Counterpart is currently engaged in a major civil society and NGO development program throughout Central Asia establishing a geographically dispersed network of 25 to 30 (7 in Uzbekistan) Civil Society Support Centers throughout Central Asia.

The Deputy Director will support and work closely with the Country Director on developing and implementing strategies and fostering shared vision and direction for Counterpart Uzbekistan. More specifically (s) he will be responsible for effective management of the information and communications activities and leading a team of, currently two, specialists as well as external contractors and experts. Deputy Director will be also responsible for ensuring effective promotion of programs and activities, continued relevance of the work of the organization, and development/management of fruitful external relations.

***Candidates should have extensive knowledge and experience in the following:***

- Working in and/or with NGOs;
- A minimum of two years experience working in and/or with an international organization;
- A minimum of four years management experience and proven leadership skills;
- Business or management-related higher education;
- Excellent communications and interpersonal skills including diplomacy, tact, and the ability to negotiate and influence;
- Facilitation, consulting, and/or training skills highly desirable;
- Computer skills, including extensive experience using Microsoft Word and Excel, Internet and e-mail;
- Fluency in Uzbek language is essential and candidates should be also fluent in
- English and Russian languages.

**Note: This position was earlier announced as Communications Director.**
**CVs received for this position will be also considered.**

Resumes (including list of 3 references) should be sent (by post, fax or e-mail) before the closing date of November 23, 2001 to:

**Katerina Privalova**
**11 A Donskaya Street, Mirzo Ulugbek District, Tashkent 700077 Uzbekistan**
**Tel: (99871) 169-16-13/14/15/17. Fax: (99871) 1691641. Email: katerina@cpart.uz**




## Уста Гулмат фалсафалари

Тангримнинг саховати бул қадарким, киссавурга ҳам ризқ бериб, мижозларини трамбойға тахлаб қўйибдур.

* * *

«Каллангиз жойидами ўзи, э жанобим», десам у калласини бир ушлаб кўриб, «ҳа», деди.

* * *

Яратғон янги нав тарвузинг билан керилма. Худойим яратғон тарвузга тан бергилким, устида сану ман от чоптириб юрибмиз.


## РЕСПУБЛИКА ОНКОЛОГИЯ ИЛМИЙ МАРКАЗИ

ВАКАНТ ЛАВОЗИМЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

иммунология бўлими:
- бўлим мудири - 1,0 ст.;
- тиббиёт фан доктори ёки тиббиёт фан номзоди, катта илмий ходим - 1,0 ст.;
- тиббиёт фан номзоди, кичик илмий ходим - 2,0 ст.;

генетика бўлими:
- тиббиёт фан номзоди, катта илмий ходим - 1,0 ст.;

саратон касаллиги молекуляр кимёси бўлими:
- кичик илмий ходим - 1,0 ст..

Манзил: Тошкент ш., Фаробий к., 383-уй. Телефон 46-07-82.




«Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси меҳнат жамоаси «Жарқўрғоннефть» ОТАЖ бошқарув раиси ўринбосари М.Жўраевга қизи
**НИЛУФАРнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат иккинчи тиббиёт институти ректорати, жамоаси, Қулоқ-бурун ва томоқ касалликлари кафедраси профессор маслаҳатчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори,
**Акром МЎМИНОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси жамоаси сектор мудираси Татьяна Алексеевна Довбичга онаси
**Нина Игнатьевна КОНОШЕНКОнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«O'ZMASHTA'MINOT» акциядорлик жамияти жамоаси жамият ходими Ҳамидулла Ниғматовга ўғли
**УЛУҒБЕКнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


**«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»**

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ**

**Таҳрир ҳайъати:**
**Э. БОЛИЕВ** (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
**М. ЕГОРОВ** (масъул котиб — «Народное слово»),
**Ш. ЖАББОРОВ** (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
**С. ЗИНИН,**
**М. МИРАЛИМОВ,**
**С. МУҲИДДИНОВ,**
**Ш. РИЗАЕВ,**
**М. САФАРОВ,**
**Р. ФАРҲОДИЙ,**
**И. ХУДОЁРОВ,**
**И. ШОҒУЛОМОВ,**
**О. ҚАИПБЕРГЕНОВ** (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
**Ў. ҲОШИМОВ.**

**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт* — *133-57-34; 133-78-92*
*Иқтисодиёт* — *136-36-65; 132-10-65*
*Маънавият ва маърифат* — *136-35-60;*
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар* — *136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими* — *132-12-08;*
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт* — *132-11-15;*
*Котибият* — *133-10-28;*
*Эълонлар* — *136-09-25.*

**Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.**
Буюртма Г — 3015, 20397 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

**Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.**

**Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.**
**Навбатчи муҳаррир — О. РАҲИМОВ.**
**Навбатчи — Ғ. ЖАБИЕВ.**
**Мусаҳҳиҳ — О. АБДУАЗИМОВ.**

**• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**

**Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.**
**[t] — тижорат материали.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.**

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди — 21.20*
1 2 3 4 5 6